

## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Рашид ГАЛИЕВ сурат-лавҳаси.

— Бу кунларга етказганига шукр! Раҳматли онажонимнинг мени маҳкам қучоқлаб, ўз қўллари билан тандирда ёнган буғдой нонни тишлатиб, ой бориб, омон қайтгин, дея мунғайиб кузатиб қолгани ҳали ҳам тушларимга кириб чиқади. Эҳе, қандай замонларни кўрдик, лекин тинчликнинг, осойишталикнинг қадр-қиммати тенгсиз экан. Шундай жаннатмонанд юртда туғлиб ўсганим, энг қувончлиси, мустақиллик даврида ҳузур-ҳаловатда, эъзоз-ардоқда яшашдек улғу бахт насиб этганидан шодмонман. Мен каби дуоғўй, фариштали кексаларни улғулаётган Ватан ҳамиша гуллаб-яшнайсин! — дейди Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Ниёзбош қишлоғи Намуна маҳалласида умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, 90 ёшли Камол ота РИХСИБОЕВ.

### ҲИКМАТ

Саховат эмиш айбга кимё,  
Саховат бори дардларга даво.  
Саъдий ШЕРОЗИЙ

МЕХР АЗИЗ,  
ОҚИБАТ БОҚИЙ



3

ҚАДИМ  
ИЛЛИЗЛАРДАН  
КУЧ ОЛИБ...



4



ХОТИРА УЙФОНСА  
ГЎЗАЛДИР!

6

МУЛЬТФИЛЬМ СУМКАЛАР



8

## Мурувват

ХАЙРИЯ  
АКЦИЯСИ  
ЎТКАЗИЛДИ

**“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди пойтахтимизда яшаётган 89 нафарга яқин қандли диабет билан касалланган болалар учун хайрия акциясини ташкил этди.**

Унда фонднинг доимий ҳамкорларидан ҳисобланган “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти томонидан берилган 89 дона глюкометр, 916 дона тест полоскалар, 89 дона шприц ручкалар ўз эгаларига топширилди.

— Қизим Муниса беш ёшга кирганида жуда озиб кетганди,

— дейди Шайхонтохур туманида яшовчи Саодат Юсупова. — Кейинчалик кўп сув ичадиган бўлиб қолди. Биз буни унинг шўхлигига йўйиб, жиддий аҳамият бермадик.

Бироз ўтгач, лаблари қуриқша-ётганини сезиб, ёнимиздаги хусусий клиникага олиб бордим.

У ерда қизимнинг жигари ва буйрағида шамоллаш бор, деган ташхисни қўйишди.

Шундан кейин ўзимизча даволатиб юрвердик. Кунларнинг бирида Муниса хушидан кетиб қолди. Зудлик билан Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказига олиб бордик.

Унда қандли диабет борлиги ва хасталик хавфи ортгани маълум бўлди. Қизимнинг соғайишида қўли энгил шифокорлар катта ёрдам беришди.

Уларнинг тавсияси билан “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондида муҳожаат қилдик. Ҳозир Мунисанинг саломатлиги анча яхши. Доим фонднинг малакали шифокорлари назоратидамиз. Бугун эса бир неча мурувват юқларини қабул қилиб олдик.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,  
“Оила ва жамият”  
муҳбири.

ТЎҚСОН ЁШДА ҲАМ  
НАВҚИРОНМИЗ

дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъфодаги подполковник Ҳаппан ИЗМАЙЛОВ

**17 ёшида жангга отланган Ҳаппан ота Измайлов болани отадан, онани ўғилдан жудо қилган жанггоҳларда мардонавор курашган инсонлар сафида туриб, авлодларга мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди.**

## ҲАППАН ОТА ҲИКОЯСИ:

— Урушга отландим. Йўқотишлар кундан-кунга ортиб борарди. Энг ёмони, уруш ва тактика ҳақида мутлақо маълумотга эга бўлмаган жангчилар орасида ўзбеклар кўпчиликини ташкил этарди. Ёмгирни ёмгир, қорни қор демай, очлик, юпунликда курашганимиз. Иккинчи жаҳон уруши тугаганини эшитганда алп келбатли барваста йигитларнинг кўзларида тинмай оқаётган ёшларни кўрганман, толиққан, чарчаган, эзилган турли миллат-

га мансуб жангчиларнинг бир-бирларини кучоқлаб қутлаганини ҳозир тасвирлашга сўз тополмайман. Даҳшатли талотумнинг асорати йиллар давомида билинар экан. Ҳаёт эса давом этавераркан.

1956 йили мени оилам билан ҳарбий округга юборишди. У ерда бир неча йиллар жиноят қидирув бўлимида ишладим. Шу даражада ишга киришиб кетардимки, ўз олдимга “Жиноят бўлдими, уни аниқламагунимча уйга бормайман”, деб мақсад кўярдим. Аёлим Гулсум, қизларим Роза, Нурия, ўғлим Алберт деярли менинг меҳримни кўрмай улғайишди. Фидойилик сабаб болаларимга беролмаган меҳрни энди невараларимга бераяпман.

Бизнинг халқимиздек ота-онага, ёши улуг инсонларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатадиган миллат дунёда топила-

ди. Урушда уч марта жароҳат олганман. Оғриқлари ҳозир ҳам билинади. Давлатимиз томонидан биз кексаларга кўрсатилаётган эътиборни эътироф этмай илож йўқ. Жумладан, қарияларнинг бепоул тиббий кўриқдан ўтказилиши, соғломлаштириш мажмуаларида даволанишимиз учун имтиёзлар берилиши ва кўплаб хайрли ишлар ёши улуг, нурунийларга бўлган юксак меҳр-муҳаббат намунасидир. Мен ҳам ана шу имкониятлардан фойдаланиб, бугун ўзимни 90 дан ошган қария эмас, навқирон йигитдек сезаяпман.

Биз уруш деб оловкалб ёшлик, илм ўрганиш, чемпион бўлиш каби тушунчалардан йирок ўсдик. Ҳозирги кунда кўплаб ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг теран фикрли, ўз сўзи, дунё қарашига эга эканлигини кўриб хурсанд бўламан.

Аслида, биз кексаларни Ватан тинчлиги, фарзандларимизнинг хотиржамлиги, обод турмуш бахтиёр қиладди. Ўша машаққатли кунлардан шундай хур замонларга етиб келганимга шукроналар айтаман.

“Оила ва жамият” муҳбири  
Камола АДАШБЕОВА  
ёзиб олди.

## У КУНЛАР ЭРТАККА АЙЛАНДИ

**...Кичикқўрпа қишлоғимиз кўчаларида елкасига каттақон сумкани осиб олган “почтачи амаки” кўриши билан биз болалар чопқиллаб бориб, “газета, журнал беринг”, деб атрофда парвона бўлардик. У киши ҳам сумкаларини титкилаб биримизга газета, бошқамизга журнал бериб, “отанга бериб қўй”, “опанга бер”, “онанинг кўзига топшир”, деб кичкинтойларга эса ширинликлар улашиб кетаверардик. Биз унга эргашиб, газета, журнал, хат ва хабарлар тарқатиб чиқардик. Айрим дарвозалардан хотин-қизлар, чоллар мўралаб: “Солотдан хат-хабар йўқми?”, деб сўраганларида ҳам почтачи амаки ҳазиллашиб: “Бугун ёзаётган бўлса керак, эрта-индин олиб келаман”, деб қўярди худди аскарнинг хат ёзаётганини кўриб тургандек.**

Қишлоғимизда уч-тўрт нафар Мурод исмли инсон яшаса-да, олтмиш йилдирки, бу киши “Мурод почтачи” номи билан ҳурмат ва эъзоз топди. Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси, оддий, самимий, камтарин, меҳнат-

каш, иймон-этиқодли бу инсон ҳозир тўқсондан ошган, лекин ҳали ҳам бардақ, тетик.

Ушанда Муродулло бобо ҳали ўн еттига тўлмаган ўспирин эди. Отаси Саидмурод ака ишчи батальонга кетганда Хосиятхон ая бир этак фарзандлари Ҳидоят, Адолат, Ҳожалой ва кичкинтой — Фазлидинжон билан чирқиллаб қолаверади. Инсоният бошига чексиз кулфат ёғдирган, жабру жафолар солган, миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритган Иккинчи жаҳон урушига неча минглаб навқирон йигитларимиз кетиб, қанчасига она юртга қайтиш насиб этди, қанчаси эса, афсуски, ўзга юртларда жон берди...

— Қишлоқда аёллар, ёш болалар қолиб, кеча-ю кундуз меҳнат қилишга тўғри келган даврлар эди. Очарчилик, қаҳатчилик, нотинчлик, йўқчилик, оилани боқиб анча мушкул, ташвишли, тахликали кунлар эди, — деб эслайди Муродулло бобо. — Онам сазҳарлаб ишга кетиб, шом маҳали молга ёмиш орқалаб келар, тонгда нон ёпаётганларида эса бригадир “Ишга чик” деб бақирар, чала-чулпа кизараётган нонларни тўққиз ёшли синглимга ташлаб, нонушта ҳам қилмасдан,

далага чиқиб кетардилар. Бу гўё яшаб, яшалмагандек кунлар эди. Ўтин йиғиб, эшак-аравада Каттакўрғон каналини қазувчиларига жўраларим билан солиб келардик.

...Шу орада ўн саккизга қадам қўйган ёш Муродулло ҳам армияга чақирилади. Хосиятхон ая ўғли Муродуллони фронтга жўнатганда батамом ўзини йўқотганди. Унга ўрганиб қолган экан. Анча пайтгача ўзига келолмай юрди. Начора, “кўпга келган тўй”-да, дея йиғлаб-сиқтаб, аста-секин кўнликди.

У аввал ҳисобчи, кейин эса ўттиз йилга яқин туман почта алоқа бўлимида ишлади. Ўттиз олти йил Тожикион ая билан яшаб, олти ўғил ва беш қизни тарбиялашди, уйлди-жойли, касб-хунарли қилишди.

Бугун ҳаётимиз фаровон, тўкинчилик, ҳаммаёқда бунёдкорлик, ободончилик. Эндиликда отахон эъзоз, эътибор ва қадрни ҳис этиб, файзли умр кечирмоқда.

Файзулло МУҲАММАДИЕВ,  
Каттакўрғон педагогика  
коллежининг  
олий тоифали ўқитувчиси.

## ҚАРИСИ БОР УЙ — БУ!

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили



Муборак тўқсон ёшни қаршилаётган Қурбонбика онани бирор лаҳза ёлғиз учратмайсиз. Ҳар кун уйда меҳмон. Бундай пайтда момо яйраб кетади, ҳар дамда жигарбандларини соғиниб, соғмикан, ишлари

яхшимикан, деб уриб турадиган юраги тўлқинланади. Уни зиёрат қилгани келган фарзандлари, неварачевара-эваралари уйларига кетиш олдидан, эркаланиб, меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилган таклифларга ўйшади. Етти фарзанд, невараларнинг ўз уйларига чорлови, меҳнатлари қадрлангани, замонанинг фаровонлиги, қобил фарзандлар тарбиялаганлигидан онанинг боши осмонга етади. Ҳар доим дастурхон бошида дуога қўл очар экан, аввало, шундай тинч, чиройли замонамизга шукр қиладди.

...Уруш бошланганда 13 ёшга етган Қурбонбика ая ота-онасига кўмакчи бўлиб, оила, дала юмушларига қарашарди. Йўқчилик, қаҳатчилик, юпунлик азобларини

кўриб улғайган қизалоқни ҳаётнинг ўзи тоблади. Одоб-ли, меҳнаткаш қиз сифатида қўшнилар, қариндошлар ҳурматиға сазовор бўлди. Совчилар ҳам кўп эди, ота-она розилиги билан ўзи каби меҳнаткаш, интизомли оила фарзанди бўлган Бердибойга турмушга узатишди.

— Сепимда ишлаган меҳнатим эвазига олган муқофотлар — чойнак-пиёлалар ҳам бор эди, — дейди онахон ўзининг ёшлик кунларини эслаб. — Турмуш ўртоғим шифокорликка ўқиганида мен фарзандларим билан уйда ўтириб, рўзгор тебратдим.

Бердибой ака олий маълумотли шифокор дипломини олиб қайтгач, бугун умрини инсонлар саломатлигини муҳофазат қилишга бағишладди. Фамки ҳалол меҳнат қилса, ўз бахтини топади. Бу

ҳикматни Қурбонбика опа билан суҳбатдош бўлган ҳар бир одам дарров тушунади: Бугун ҳам гоҳ келинларга, қизларга тўй-томошаларда, яхши кунларда, ташвишу қувончдан иборат лаҳзаларда чўнг тоғдай мададкор бўлиб келаётган Қурбонбика опа ўзини бахтини топан, умрини яхшиликка бағишлаган аёл деб билади.

Фарзандлари ҳам бугунги кунда эл-улус хизматида. Қирқ йилга яқин туман тиббиёт бирлашмасида асаб касалликлари шифокори бўлиб ишлаб келаётган Анахон, Тўрткўл тиббиёт коллежида маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Ойгул, тадбиркор Бахтиёр, ҳамширалар Дилором, Рўзигул, бунёдкор Ўқтам, тадбиркор Қаҳрамон тўрткўлликлар орасида ўз соҳасининг фи-

дойилари сифатида ҳурмат қозонишган.

— Болалигимдан ота-онам менга сен солмага сув келган кунларда тўғилгансан, шунинг учун ҳам тиниб-тинчимайсан, қиламан деган ишининг, албатта тубига етасан, шундай фарзанд берганига шукур деб фахрланиб юришарди, — дейди онахон ёшлик йилларини эслаб.

Кексалар содда, тушунарли ибратли гаплари, амаллари билан авлодлар қалбига эзгулик, яхшилик уруғларини сепувчи, мурувват, меҳр нурали билан қалбларимизни нурлантирувчи офтобга ўхшайдилар.

Қурбонбика ЮНУСОВА,  
Тўрткўл тумани.  
Қорақалпоғистон  
Республикаси.

## Жасорат, бурч, матонат

Юрган дарё, дейдилар. Бир ҳафта аввал, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан Қашқадарё вилоятида ижодий сафарда бўлдик.



## МЕҲРАЗИЗ, ОҚИБАТ БОҚИЙ

Хамроҳларим — ЎзФА Тарих институти илмий ходими, тарих фанлари номзоди Хусниддин Мамадалиев ҳамда Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали драма театри актёри Умиджон Шодмонов. "Тошкент — Насаф" тезорар поездида чор атрофни ҳайрат ичра кузатиб кетяпмиз, йўл-йўлакай гурунгимиз мавзуси ўтмишга, тўғрироғи, Иккинчи жаҳон уруши хотираларига боғланади.

"Тасавур қилинг, 1941 йилда республикамизда 6 ярим миллион аҳоли яшаган экан ва сал кам қирқ фоиз киши урушга жалб этилган. Эрақларнинг яроқли (аксарияти ҳарбий тайёргарликдан беҳабар бўлган) қисми дахшатли талотум, оғир жанглар кечаётган ҳудудларга олиб кетилган. Аёллар ва болалар зиммасига эса оғир меҳнат қилиш вазифаси юклатилган", дейди тарихчи шеригимиз. Эндигина ўттиз саккиз ёшдан ошган Умиджон бўлса: "Бизнинг авлод нақадар бахтли экан-а, бундай кўргуликларни, уруш ҳақидаги тахликали хотираларни фақат китобу кинолар орқали биламиз. 80-90 ёшга кирган отахон ва онахонлар билан кўришсак: "Бизлар кўрган кунлар тушларингизга ҳам кирмасин, бугунги омон-омон замонларнинг қадрига етинглар", деб қўйишади. Хуллас, мозий ва бугунги дорилмомон давру давронлар ҳақидаги сўхбатимиз бўлиниб-бўлиниб вақтнинг қандай ўтганини сезмаймиз. Негаки, роппа-роса олти соат деганда кўхна Насаф — мустақиллик даврига келиб эса чин маънода бунёдкорлик манзилига айланган Қарши шаҳрига етиб келгандик-да.

— Хуш келибсизлар, воҳамизга, бугун яна йўл юришга тўғри келади. Чунки Китоб туманида катта учрашув бор, улғуриш керак. Эртага эса вилоят ҳокимлиги томонидан уруш иштирокчилари ҳамда фронт ортида меҳнат қилган кексалар билан ҳам байрам тадбири уюштириляпти, — дея бизларни тоғли ҳудудга кузатиб қўйди вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдამчиси Маматқул ака Ражабов.

"Қашқадарё ҳақида эшитардим, лекин биринчи бор келишим, шу даражада катта ҳудудда жойлашганми?" дея ҳайратини яширолмайдими?

Хусниддин Мамадалиев мезбонларга юзланиб. Улар бўлса, хижолатомуз оҳангда: "Йўл толиқтириб қўйган бўлса, узр, одамлар кутиб қолишмасин, бўлмаса йўл устида ҳам бир неча зиёратгоҳлар бор, кирсак бўларди", дейишди. Қаршидан жўнаб, Чим деб аталган улкан трасадан белгиланган манзил томон ўзимизнинг қадрдон "Нексия"ларимизда кетяпмиз, йўлнинг текис, равонлиги чарқоқни сездирмайди. Ниҳоят, бир соатдан сал кўпроқ вақт ўтганида икки дарё — Оксув ва Қашқадарё ораллигида жойлашган Китоб тумани марказига кириб келдик.

...Маданият саройидаги учрашув мазмунли кечди. Савол-жавоблар, бадийи чиқишлар бир-бирига улашиб кетди...

### "ЮЗГА КИРМАСАК УЯТ БЎЛАДИ"

"Айтишга осон, уруш кўрган одамларнинг энг ёши 90 дан ошди бугун, уйланг, шундай дахшатли киргандан эсон-омон чиқишнинг ўзи биз учун ўлим билан баравар бўлган, ахир. Қандай норғул, шерюрак дўстларимиз шахид кетди. Уларнинг пок руҳи олдида қарздормиз. Дўстларимиз орзу қилиб, кўролмай кетган ёруғ, тинч-омон кунларда яшаш сизларга насиб этганига шукрона айтинг!"

Бу — шуқуҳли айём арафасида ташкиллаштирилган тадбирга таклиф этилган уруш иштирокчиларидан бирининг самимий дил сўзлари. Китоб туман ҳокимлиги бош мутахассиси Лола Ўроқова ҳозирги кунда туманда 9 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари яшаётганлигига изоҳ бериб: "Бу инсонларнинг иродаси темирдек мустаҳкам, юраклари ҳам тоғлардек улкан ва тоза. Уларни тирик тарих дейиш мумкин. Яна бир қизиқ ва ибратли жиҳати шуки, уруш кўрган боболаримизнинг фарзандлари ҳам, ҳатто неваралари ҳам ўзларига

ўхшаб мард, ҳалол ва юртсевар" эканлигини алоҳида таъкидлади.

Мазкур тадбирда вилоят ҳокими Зафар Рўзиев ҳам иштирок этиб, ўтмиш ва бугунги ўзларининг унутилмас қаҳрамонликлари билан чамбарчас боғлаб турган уруш иштирокчиларини умумхалқ байрамимиз — Хотира ва қадрлаш куни билан самимий муборакбод этди.

— Муҳтарам Президентимиз 2015 йилни бежиз "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номламадилар. Чунки бизнинг овоз ва обод юртимизда дунё кўрган, дуоғўй бобо ва момоларимиз азалдан қадрланган, ҳурмати жойига қўйилган. Бу аъна айна мустақиллик йилларига келиб янада мустаҳкамланди, кенг жамоатчилик орасида ўзига хос нуфузга эга бўлди, — деди З.Рўзиев.

Шундан сўнг урушдан омон-эсон қайтиб, бугунги дорилмомон кунларимизда ҳам яшаш, шукрона айтиш бахтига муяссар бўлган отахонларга давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали ҳамда қимматбаҳо совғалар тантанали суръатда топширилди.

Беомон урушнинг жонли гувоҳлари Ниёз бобо Рўзиев, Шариф ота Қобилов, Саид Султонов, Маҳид Хидиров: "Бизларга ана шундай ғамхўрлик ва меҳр-муруват кўрсатганликлар учун Президентимизга минг раҳмат, Яратганга беадад шукри, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин. Шундай тўқ, обод замонда юзга кирмасак уят бўлади", дея дуога қўл очдилар...

### "БИЗЛАР БАХТЛИ БОБОЛАРИМИЗ"

Башир қишлоғининг уч тарафи тоғлар билан ўралган. Қашқадарёнинг аслида турли ирмоқлар қўшилишидан дарёга айланганини айримлар билмас. Лекин Башир қишлоғидаги мингйиллик чинорлар остидан оқиб чиқаётган бўлоқлар ҳам ана шу азим дарёга уланади. Бу кўхна гўшанинг ўзига хос тарихи бор. Эътиборли жиҳати, тасаввуф оламининг улғушайхларидан бири, Мирзо Улуғбекнинг замондоши Ҳазрати Башир зиёратгоҳи ҳам шу ерда. Бу ердан йилнинг тўрт фаслида ҳам зиёратчилар қадами узилмайди.

— Кўп эслаيمان, бир замонлар 50-60 ёшга кирганлар шундай қутлуг ёшга етдим деб, элга тўй қилиб берарди. Ҳозир фалончи ака етмишга кирибди десангиз ҳам ҳеч ким ажабланмайди. Масалан, бизнинг қишло-

ғимизда саксондан ошганларнинг ўзи йигирма нафарча бор, — дейди "Башир" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Сафаров биз билан сўхбатда. — Энг ёши улғуғимиз Ражабой ая Норова ва Зебо ая Муродова 96 ёшга киришди. Кимё момо Раҳимова 94, Умнатқул бобо Умаров 90 дан ошиб кетди. Ишонмасангиз, юринг, Маъдихон ота Саидовни кига кирамиз. Узоқ умр кўриш сирини шу кишидан сўрайсиз-да энди...

Пешайвонда кўзойнаксиз газета ўқиб ўтирган отахонни кўриб, ҳамроҳимиз Умиджон Шодмонов ҳазил аралаш сўради: "Йўғ-е, етмишларга боргандир-ов, жуда ёш кўринади-ку!"

— Дадам 1926 йилда туғилган. Агар ҳалиям қўйиб берсак, кўлидан кетмон, тоққайчи тушмайди, — дея кулимсираб изоҳ беради "Ҳазрати Башир" зиёратгоҳи мажмуаси раҳбари Анорхон ака Саидов. — Қалин кундалик дафтари бор, қачон ёза бошлаганини эслолмайман. Мен олтимишга кирдим, китоб ўқишга кўзим ўтмайди, отам бўлса ҳар куни нимадир ёзади, бир неча газета-журнал ўқийди, толиқмайди. Ҳозир оёқлари оғригани учун кўчага чиқолмаяпти, бўлмаса, уйдан тополмасдингизлар.

Отахоннинг хотираси кучли экан. Башир қишлоғининг бундан 60-70 йиллик ва ота-боболаридан эшитган бир асрдан кўпроқ ўтмиши ҳақида ҳам кўп қизиқ воқеаларни сўзлаб берди. Мен бўлсам: "Отахон, қизиқ-да, сиз тенгиларнинг аксарияти жуда оғир замонларда яшаганмиз дейсизлару, лекин шунча азом-уқубатларни кўрган бўлсангиз ҳам қандай қилиб узоқ умр кўряпсизлар?" деб сўрайман. Маъдихон бобо қилиб қўяди. "Очигини айтганимизга, бизларни ана шу қийинчиликлар тоблаган, болам, қолаверса, асабини асраш керак. 1976 йилдан буён парҳезга амал қиламан ва асосан, сут ва қатиқ ичаман. Майда-чуйда нарсалар, гийбат-ҳасадларга вақт сарфлаш керакмас. Кейин эса тоза ҳаво, тоғда ўсган ўт-зираворлар, ҳалол ризк-насиба ҳам умрни узайтиради. Шукрда гап кўп, масалан, мен шундай фаровон, тўқчилик ҳўқирон бўлган замонда яшайман деб сираям уйламаганман..."

Гурун орасида Маъдихон бобо 1942 йил июль ойида 18 ёшида урушга кетиб, қайтиб келмаган акаси Маҳмуд Саидовни, поччаси Амин Муродов ҳамда биргина Башир қишлоғидан кетган жами 12 йигитнинг биттаси ҳам тирик қайтганини хотирлаб, кўзларига ёш олди.

Қутлуг байрам муносабати билан Маъдихон бобога ҳам ўша куни Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган эсдалик юбилей медали ҳамда совға-саломлар топширилди.

Шунингдек, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида ёшларни катталарга ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш, ёши улғу инсонларни қадрлаш билан боғлиқ мавзуларда Китоб тумани Обиканда қишлоғида жойлашган Китоб агробизнес касб-хўнар коллежи ҳамда Шаҳрисабз туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактаби, Шаҳрисабз агросаноат касб-хўнар коллежи ва бошқа масканларда ўтказилган учрашув, тадбирларда ҳам мамлакатимиздаги тинчлик-хотиржамлик, миллатлараро тотувлик, баррикенглик каби инсоний қадриятларнинг халқимиз орасида тобора мустаҳкамланаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Норқобил ЖАЛИЛ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уйумшаси аъзоси.



Мамлакатимизнинг олима ва фозила аёлларидан бири Мукаррам Муҳитдинова 77 ёшида ҳам фаоллиги билан ёшларга ўрнак бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг кибернетика институтинда илмий изланишлар олиб борган, Тошкент давлат техника университетининг автоматлаштирилган бошқарув системалари факультетининг "Амалий математика" кафедрасида талабаларга сабоқ берган, айна пайтда Ўзбекистон факриятларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармасида фаолият юритаётган қахрамонимиз билан суҳбатлашар эканмиз, ўтмишнинг энг оғриқли хотираларини тингладик.

## ҚАДИМ ИЛДИЗЛАРДАН КУЧ ОЛИБ...



**МУКАРРАМ АЯНИНГ  
ХИКОЯСИ:**

— Болалигимни эслаш мен учун ниҳоятда оғир. Уч ёшга кирганимда уруш бошланган. Унинг даҳшатлари ва азоблари ўша пайтда яшаган кишиларнинг ҳеч бирини четлаб ўтмаган. Юпун одамлар, очликдан қийналаётганларнинг гувоҳи бўлганмиз. Ҳатто мактабга ялангоёқ борганмиз. Уйимизда китоблар кўп эди. Уларни ўқиш

таъқиқлангани сабабли онам фақат кечқурунлари шам ёруғида овоз чиқариб ўқир, биз эса тинглардик. Ўша лаҳзалардан олган таассуротларим ёшлигимни шамдай ёритиб туради.

Ёшлар ўша кунларни тасаввур қила олмаслигидан хурсанд ҳам бўламан. Бугун юртимизда ҳукм сураётган фаровонлик ва тинчликка кўз тегмасин. Мен ҳозирги "Шаҳидлар хиёбони"даги анҳорнинг ёнида — ишчилар маҳалласида туғилиб, вояга етганман.

Ёшлиқдаги бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўзимиз нонга зормиз, у пайтлар нонлар ҳам ўлчовли эди-да. Бир куни эшигимиз тақиллаб, ўзи юпун, озгин боласини қўтариб олган аёл бир тишлан нон сўраб келди. Онам унинг аҳволига ачиниб, ноннинг ўрнига бошқа нарса бериши-

ни айтганида, аёл тилини кўрсатиб, ёлвориб: "Бир тишлам нон беринг, кунжара еяверганимдан озгим яра бўлиб кетди", деди. Шунда онам: "Бугун нон емасак ҳам майли, шу аёлга ёрдам берайлик", деб бир бурда нонимизни бериб юборган эди. Бу уруш ана шундай очлик ва муҳтожлик олиб келганди.

Қийинчиликларни энгиш қонимга сингиб кетган. Отам Эшонхўжа Муҳитдинов Иқтисодиёт университети (собиқ халқ хўжалиги институти) ҳамда техникумда дарс берган. 3-4-синфда математикани яхши тушунардим. 1954-йил мактабни аъло баҳоларга якуллаб, Ўрта Осий университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг физика-математика факультетига ўқишга кирдим. Соҳам бўйича Москва давлат университетини ҳам битирганман. Илмий мақолалар ёздим,

қўлланмалар, дарсликлар нашр эттирдим. Ўттиз ёшимда оила қурдим. Узоқ йиллар оевимли соҳамда ишладим. Шунча йил хизмат қилган одамнинг нафақага чиқиши қийин бўларкан, бирданига ўзингни худди ҳеч кимга керак эмасдай ҳис этаркансан киши. Аммо мустақиллик берган кўллаб-неъматлар ичида биз ёши улуғларга бўлган эътибор ҳаётимда янги бир саҳифа очди.

...Кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, бой ҳаётини тажрибамизни ёшлар билан ўртоқлашиш Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармасининг асосий мақсадларидан. Учрашувларда уруш хотиралари хусусида гап кетса, ёшлар ҳайрат билан эшитишади. 2005 йилда Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллигига бағишлаб 34 жилдлик "Хотира китоби"га қўшимча равишда 3 та жилднинг яратилиши фаолиятимдаги энг катта ишлардан бири бўлди. Ҳамюртларимизнинг "Хотира китоби"га кирмай қолган яқинлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу уч жилдликни хатлар асосида тайёрладик. Ҳар бир исм-шариф билан танишар эканман, унинг ортида гулдэк хазон бўлган умрлар, тақдирларни кўргандай бўламан. 1941 йили республикамизда 6.5 млн. аҳоли бўлган

## Эътироф

бўлса, шулардан 40 фоиз урушга жалб этилган. Мана шу рақамлар ичида етим болалар, бевалар, фарзанд доғида қолган неча минг-минглаб ота-оналар бор...

Баъзиларнинг ҳаётга энгил қараши, оилавий ажримлар ҳақида эшитганимда ўша машаққатли йиллар тўзонида увол бўлган йигит-қизлар, етим болалар, ўша даврда яшаган инсонларнинг меҳр-оқибати ҳақида уларга ибратли ҳикоялар айтиб бераман. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирларда ҳам бу каби ҳолатларга ечим топиш борасида ўзимнинг маслаҳатимни бераман.

Ўша йилларнинг машаққатларини халқимиз қадимий анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда баҳамжihatлик билан энгиб ўтди. Меҳр-оқибатли бўлиш, кексаларни ҳурмат қилиб, ёшларга кенг имкониятлар яратиб бериш каби гўзал фазилатларимизга дунё ахлининг қизиқиши бежиз эмас. Халқимизнинг қадим илдиизларидан куч олиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар туфайли, юртимиз кундан-кунга обод бўлиб бормоқда.


**Камола АДАШБОВА**  
ёзиб олди.

*Хайрли ишлари билан танилган зиёли, маърифатли инсонлар барчанинг юрагидан жой олади. Ана шундай юртдошларимиздан бири — Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида умргузаронлик қилган Йўлдош ака Бобоевни ҳам бугун кўнчилиқ ёруғ хотиралар билан эслайди.*

## ЁРУҒ ИЗЛАР ҚОЛДИ

Ўз даврининг моҳир зироатшунос-агрономи бўлган бу инсонни ўтган асрнинг эллагинчи йиллари охирида, институтни тамомлаб келганидаёқ "Бойсун" давлат хўжалигига агроном вазифасига тайинлашади. Хўжалиқда биргина чорвачилик эмас, балки минглаб гектар лалми ерларда зироатчилик қилиш, ҳар қаричи ҳисобли сувли ерлардан самарали фойдаланиш учун ўша пайтларда Бойсун шароитида катта меҳнат талаб қилинарди. Ёш агроном тажрибали инсонлардан, деҳқон ва миришкорлардан ерга, сувга эътиборни ўрганди. У иш борасида лавозим танлаб ўтирмас, қайси худудга жўнатишса, тезда киришиб кетар, одамларнинг кўнглига йўл топиб, ўша жойни яшнатарди кейинчалик Шўрчи, Бандихон, Шеробод туманларидаги хўжалиқларда ҳам бош агроном вазифасида ишлаб, йилдан-йилга тажрибаси орта борди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш борасидаги қуюнчақлиги туфайли миришкор деҳқонларнинг ҳам, вилоятдаги мутасадди раҳбарларнинг ҳам ҳурматини қозонди.

Йўлдош ака 1968 йили Бойсун туманидаги ўсимликларни ҳимоя қилиш идораси раҳбарлигига тайинланади. 200 нафар ишчи-ҳодим, 50 дан ортиқ турли русумдаги техника воситалари, ҳатто зараркунандаларга қарши мослаштирилган учувчи қурилмалари бўлган ана шундай йирик ташкилотни бошқаришда Йўлдош акага касбий маҳорати билан бирга кенг феълиги, хушмуомалалиги, атрофидаги мутахассисларни қадрлаши қўл келган.



Ҳаётнинг кўп қийинчиликларини кўрган, оғир кунлар захматини бошидан кечирган бўлишига қарамай, бир этак фарзандларни жамиятга нафи тегадиган, олий маълумотли, оқил инсонлар этиб вояга етказди. Нафақага чиққанидан сўнг ҳам токи 77 ёшига қадар давлат ишларида фаолият юритди. Уни ҳаммиса оила аъзолари ва албатта, яқинлари қўллаб-қувватлаб туришарди.

Йўлдош аканинг чин дилдан қилган меҳнатлари зоя кетмади. Мустақиллик йилларида унинг шарафли ва захматли фаолияти муносиб қадрланиб, давлатимиз томонидан "Шухрат" медали билан тақдирланди. Бу инсонни Бойсун туманида таниган, билган ҳар қандай киши, уни хўжалик борасида қилган ишлари, бугунги кунда тумандаги аграр соҳанинг шундай ривожланишида катта меҳнатлари синганини тез-тез хотирлайди.

**Ширинхон МҶМИНОВА,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.

## ИБРАТЛИ УМРНИ ЯШАДИ

*Тошкент шаҳрининг қадимий Самарқанд дарвоза маҳалласида туғилиб ўсган отамиз Саидгани Валиев ўз даврининг таниқли журналисти ва таржимони эди.*

Отам урушга кетган, биз беш фарзанднинг ташвишлари, рўзғор юки онамиз — Онахон Валиеванинг зиммасига тушди. Туйғун акам 12 ёшда, синглим Жонон 6, эгизаклар — Пўлат ва Барно ҳали гўдак эди. Эсимда, онам кечаси билан кийим-кечак тикар, уйларни тозалаб, кир ювар, бизга оддий матолардан бўлса ҳам янги кўйлақчалар тикиб, кўнглимизни кўтаришга уринарди.

Отамнинг катта кутубхонаси бор эди. Онам уруш қийинчиликлари даврида ҳам уларни кўз қорачиғидек асрар, бизни ҳам илм-маърифатга ундардилар. Ўша йиллар онам учун қанчалик қийин кечганини, улғайиб, фарзандли, неварали бўлганимдан кейин янада яхшироқ англадим. Отамнинг мактублари уйимизга ўзгача қувонч олиб кирарди. Ҳар бир хатида Воҳид ва Азиз амакиларим ҳақида хабар беришимизни, бувимнинг саломатлигини сўрарди. Хатни ўқиб, отамнинг меҳри, ғамхўрлигини ҳис этиб турардик. Мана, ўша увалган мактублардан айрим сатрлар:

"Онахонжон! Сизга ва болаларга кўпдан-кўп салом. Сизларни жуда соғинганимни, айниқса, шу кунларда бир қўришга интизор эканлигимни қандай қилиб билдирсам экан. Ишқилиб, омон бўлинглар-да. Ўзим соғ-саломатман. 20 кундан бери фронтдаман. Бир қанча марта ўқлар,

снарядлар орасида қолган бўлсам ҳам омон чиқдим. Бу ҳам бўлса, менинг ва сизларнинг бахтимиз...

...Турмуш масаласини сўрасангиз, бизнинг кунимиз чуқур оқолда ўтади...

...Хуллас, менадан хотиржам бўлинг, Онахон.

Сизларни соғиниб, Саидгани. 1942 й. 25.08."

Бу отам раҳматлининг энг сўнги мактуби эканлигини ўшанда билмаганмиз. Онамнинг жаваби кейинроқ ўзимизга қайтиб келган эди. Бошқа хат олмадик. Чунки отамиз ҳалок бўлган экан...

Онам беш фарзандни кипригида авайлаб, асраб вояга етказди. Ҳар икки гапининг бирида отамизнинг ҳаётидан ибратли ҳикоялар айтиб, у кишини бизга ўрнак қилиб кўрсатардилар. Улар қисқа вақт бирга яшаган бўлсалар-да, ҳар бир сўзлари биз учун ўғитга айланади. Туйғун акам дадаимиз изидан бориб, адабиётшунос ва таржимон бўлиб етишдилар. Мен, Жонон, Пўлат ва Барно ҳам ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Таълим тизимида, илм-маърифат йўлида хизмат қилдик.

Мана, орадан шунча йиллар ўтди. Фарзандларимиз, невараларимиз камолини кўряпмиз. Бу ҳам бир бахт. Қийинчилик йилларини кўрганлар, уруш даҳшатига отасидан, фронт ортидаги захматлар ичида онасидан жудо бўлганлар бугунги кунлар қадрини жуда яхши ҳис қиладилар. Биз шундай умрни яшадик.

**Дилбар ВАЛИЕВА,**  
Халқ таълими аълочиси.  
82 ёшда.  
Тошкент шаҳри.

## ЎТГАНЛАРНИ ХОТИРЛАШ, УЛАРНИНГ РУҲИНИ ШОД ЭТИШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС АЗАЛИЙ УДУМ!

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, ҚУВАСОЙ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ

## 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

*муносабати билан ҳамюртларимизни самимий қутлайди.*



**Шукуҳли, нурафшон кунларимизда барча юртдошларимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бардамлик ёр бўлсин.**

**Халқимизнинг аҳил-иноқ, бирдамлиги абадий бўлишини, оилаларимиздан меҳр-оқибат, тинчлик-тотувлик аримаслигини тилаб қоламиз.**



## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МУҲТАРАМ ВАТАНДОШЛАР!

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик – 3 ой.  
Тўй ва оқшом либослари – 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто – 1-2 ой.  
Ҳамшира – 6 ой. (4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт).  
Ҳамшира (тезкор) – 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж – 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).  
Торт ва пишириқлар – 2 ой.  
Олий торт безатиш курси – 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари – 2 ой.  
Жаҳон таомлари – 2 ой.  
Аёллар сартарошлиги – 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж – 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби – 3 ой (0 дан балансгача).  
Элита парда ва чойшаблар тикиш – 1 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси – 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш – 1 ой.  
Сартарошлик – 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция – 1 ой.  
Каштачилик – 3 ой (машинкада вышивка).  
Тўқувчилик – 3 ой.  
Инглиз тили – 3 ой, рус тили – 3 ой, турк тили – 3 ой, корейс тили – 3 ой.  
Бисер, яъни матога мунчоқли безак тушириш – 2 ой.  
Декоратив гул ясаш – 1 ой.  
Сарпо кути ва саватлар ясаш – 1 ой.  
Бисердан гуллар, дарахталар ясаш – 2 ой.  
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) – 3 ой.  
Компьютер сабоқлари – 2 ой, Интернет – 1 ой.  
Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона бор.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.


МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзое 1-уй, 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фарғона йули кучаси 4-уй, 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

Хизматлар лицензияланган



## ОЛТМИШИНЧИ БАҲОР

Иқтидорли шоир, маҳоратли публицист Очил Тоҳир ҳақида қайси бир даврада сўз кетса, ўз касбининг устаси, фидойи журналист деган холисона эътирофни кўп эшитганмиз.

Аввал радио тўлқинлари орқали Очил аканинг ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган овози, маҳоратга йўғрилган услубда тайёрланган қизиқарли эшиттиришларини тинглаган бўлсак, кейинчалик эса телевидениеда намойиш этилган маънавий-маърифий мавзулардаги кўрсатувлари ҳам томошабинларда катта таассурот уйғотганига гувоҳимиз. Яна бир эътиборли жиҳати, Очил Тоҳир ажойиб шоир сифатида ҳам халқимиз орасида обрў қозонган. “Қарз”, “Соғинч соҳили”, “Кўнглим билан суҳбат”, “Шаклсиз олам” деб номланган шеърий, публицистик тўпламлари чоп этилган.

Ўзининг олтмишинчи, яъни айна камолотга етган фараҳбахш фаслини ёруғ юз билан қутиб олаётган ҳамкасбимиз Очил Тоҳирга ижодий баркамоллик тилаш баробарида унинг дилдош дўсти, шоир Нурулло Остон битган ушбу шеърий қутловдаги айрим таърифларни келтирмоқчи жоиз деб билдик:

*Ишқ йўлида дард бўлса,  
ранг сомон, Очил Тоҳир,  
Ишқ элида мард бўлса,  
жон омон, Очил Тоҳир.*

*Элда ҳайрати-асрор,  
дилда талъати-ахрор,  
Белда ашъори зуннор,  
шерзабон Очил Тоҳир.*

*Тириклик қадим бозор,  
хариди мудом озор,  
Қутловга тўйхат дийдор,  
дўст-ёрон, Очил Тоҳир.*

### ТАБРИК ва ЭЪЛОНЛАР!

#### Муҳтарама Гўзалхон Холиқова!

Сизни 7 май — таваллуд кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахту саодат ҳамиша йўлдош бўлсин.

Эҳтиром билан  
кадрдонларингиз  
Назокат, Марғуба.

17.06.2013 йилда Каримов Кахрамон Мирсобирович номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан берилган шаҳар йўловчилар транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи О'zR №001504-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қашқадарё вилоятидаги Деҳқонобод туман кишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежи томонидан 2010 йил 6 июлда Жўраев Миржалол Ҳасанович номига Деҳқонобод тумани ИИБ томонидан 12.07.2010 йилда берилган СТ 0219883 серия рақамли фуқаролик паспорти йўқолганлиги маълум қилинади.

18.07.1991 йилда Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида туғилган Жўраев Миржалол Ҳасанович номига Деҳқонобод тумани ИИБ томонидан 12.07.2010 йилда берилган СТ 0219883 серия рақамли фуқаролик паспорти йўқолганлиги маълум қилинади.

Ихлосидинов Сухроб Жамшид ўғли номига Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан берилган 42201-10 рақамли рейтинг дафтарида йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## "ХАЛҚОБОД ВИЛОЯТ ТАЪМИРЛАШ УСТАХОНАСИ" МЧЖ ЖАМОАСИ

*халқимизни*

**9 май – Хотира ва қадрлаш кўни**  
*муносабати билан чин қалбдан муборакбод этади!*

*Аждодларимизнинг мардлиги,  
жасорати ва ватанпарварлигига  
тарих гувоҳ. Халқимизнинг ўлмас  
қахрамонликлари, жонфидалиги,  
айниқса, мана шундай қутлуғ айёмларда  
яна бир бор намоён бўлади.*

*Тилагимиз — матонат, ватанпарварлик  
ва жасорат юртдошларимизни  
ҳеч қачон  
тарк этмасин!*



**ХОТИРА ВА ҚАДР МАНГУ ЎЧМАС ЧИРОҚДИР!**

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ, УРГАНЧ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ**

**9 май – Хотира ва қадрлаш кўни**

*муносабати билан ватандошларимизни*

*чин дилдан табриклайди.*



**Мамлакатимиздаги  
ҳар бир хонадонга  
соғлик-омонлик,  
қут-барака,  
тўкин-сочинлик  
тилайди.**

**ИНСОН ХОТИРА БИЛАН БАРҲАЁТ!  
МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ МАНГУЛИККА ДАХЛДОР!**

**9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ**

*муносабати билан*

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ,  
ЧИНОЗ ТУМАНИДАГИ “33-ХМКК”  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

*юртдошларимизни самимий муборакбод этади!*

**Барчага мустаҳкам соғлик, оилаларга  
қут-барака, тинчлик-хотиржамлик тилайди.**

*Дарҳақиқат, бугунги шукуҳли, тароватли, файзли  
кунларимиз ўз-ўзидан бўлган эмас. Унда аجدодларимизнинг  
руҳи, шонли ўтмиши мужассам. Уларни ёд этиш эса  
ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.*

*Юртимизда тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат абадий бўлсин!*



## МУЛЬТФИЛЬМ СУМКАЛАР

Сиз кўриб турган тасвирлар "Фотоп" дастурида коллаж қилинганга ўхшаб кетгандир. Бироқ, бу суратларда акс этган одамлар ва сумкаларнинг бари ҳақиқий.



Одамларга ишониш мумкин. Аммо сумкалар худди мультфильмлардаги каби чизилганга ўхшайди. Тайваннинг Тайбей шаҳрида яшовчи Чай Су ва Рика Лин исмли дизайнер-хунармандлар ўзларининг навбатдаги дизайнерлик лойиҳаларида ўтган асрнинг 90-йилларида ишланган мультфильмлардаги тасвирларни акс эттиришга қизиқиб қолишади. Улар ички ҳиссиётларига ишонишиб, ушбу гоёни амалга оширишга киришадилар ва натижада, икки ўлчамли кўринишдаги сумкаларни тикишга эришади.

Тайванлик бу дизайнер йигитлар сумкаларнинг қулай ва чиройли нусхаларини яратиш бўйича анчадан буюн шуғулланиб келишади. Ҳар йили улар томонидан сумкаларнинг янгидан-янги ажойиб нусхалари тақдим этилади. Чай Су ва Рика Лин 2010 йилда сумкалар ишлаб чиқарувчи JumpFromPaper компаниясига асос солишган.

ОЁҚ БИЛАН БИРГА  
ЎСУВЧИ ПОЙАБЗАЛЛАР

Кентон Ли пойабзал тикиш бўйича ёш, моҳир уста саналади. У айна кунда беш йил давомида оёқ билан бирга ўсиб боровчи пойабзаллар ишлаб-чиқариш устида бош қотираётир.



Кентон бундай оёқ кийимларини бегараз мақсадларда яратади. Ўз ихтисоси ортидан катта маблағ ишлаб олишни ҳам кўзламаган. Аммо, кун кўриш эҳтиёжи учун барибир уларни савдога қўяди. Бу табиий. Унинг асосий мақсади эса, ногирон, имконияти чекланган, ортопедик нуқсонли болакайларни қулай пойабзаллар билан таъминлаб, уларнинг тўғри ўсишига, соғлиги тикланишига, тезроқ соғлом ҳаёт тарзига қайтишига кўмаклашидир.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ, ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИДАГИ  
7-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ЖАМОАСИ

## 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

*муносабати билан  
юртимиздаги барча фахрий ўқитувчиларни, кекса ва  
нуронийларни, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини,  
азиз юртдошларимизни қутлайди!*

**Устозлар, отахон-онахонларнинг ибратга  
арзигулик умри, қилган ишлари, эзгу амаллари  
ҳамиша ёшларга сабоқдир.**



**БАХТИМИЗГА КЕКСАЛАР, ЁШИ УЛУФ ИНСОНЛАР  
СОҒ-ОМОН БЎЛИШСИН!**

Реклама

"ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ"  
республика бирлашмаси жамоаси9  
май – Хотира ва қадрлаш куни

*муносабати билан азиз юртдошларимизни  
самимий табриклайди.*

*Юртимиздаги ҳар бир оилага файзу барака,  
тинчлик-омонлик, эзгу ниятлар  
ижобатини тилаймиз.*

**МАМЛАКАТИМИЗДА ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ҲАР ДОИМ БАРҚАРОР,  
ВАТАНИМИЗ ОСМОНИ ҲАМИША МУСАФФО, ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШИ ФАРОВОН БЎЛСИН!**

Реклама

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси  
(«Болалар жамғармаси») ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Таҳририятга келган қўлёзмалар  
муаллифларга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари мазмунини  
таҳририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти – 15:00  
Босишга топширилди – 15:00

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАБОВЕВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ  
Мусахҳилхор — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Қамола АДАШБОВЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г  
– 536. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади –  
7059. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08  
«Оила» бўлими: 234-25-46

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темуру кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5